



1930 йил
12 майдан
чиқа
бошлаган

ПОВЕСТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ НАШРИ

№ 19 (3443)

2002 йил 9 май, пайшанба

Сотувда эркин нархда

ИНСОН ХОТИРАСИ — МАНГУ БАРҲАЁТ

Барча ички ишлар идоралари ходимларини, таълим муассасалари ўқитувчи-профессорларини, курсантлар ва тингловчиларни, Ички ва Қоровул қўшинлари ҳарбий хизматчиларини, барча ишчи ва хизматчиларни, меҳнат ҳамда иккинчи жаҳон уруши фахрийларини, уларнинг оила аъзоларини 9 Май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан самимий табриклайман.

Ватан мустақиллиги, эркинлиги, тинчлиги йўлида курашиб қурбон бўлган азиз юртдошларимиз хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади.

Уларнинг мардлиги ва жасурлиги бизни Ватанни кўз қорачиғидек асраб, тинчлик ва осойишталикни бор кучимиз билан ҳимоя қилишга даъват этади. Шундай экан, ота-боболаримиз жасорати билан ҳар қанча фахрланишга ҳақлимиз.

Фахрийларимизни эъзозлаш, уларга иззат-икром кўрсатиш, шунингдек ёшларимизни Ватанга, халққа, хизмат бурчига садоқат, фидойилик руҳида тарбиялашда уларнинг бой ҳаётий тажрибасидан фойдаланиш ҳар биримизнинг вазифамизга айланмоғи лозим.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, тинчлик-хотиржамлик, ошлавий бахт тилайман.

З. АЛМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири,
ички хизмат генерал-полковниги.

Хотира ва қадрлаш деганда биз, аввало, ўзимизни инсон сифатида англашни, одамийлик фазилатларимизни улуғлашни назарда тутамиз. Энг муҳими, бу ҳаяжонли ва изтиробли сана ўрнимизга келадиган ёш авлодни мана шу руҳда тарбиялашга, улар қалбида Ватан ва юрт учун гурур ва ифтихор туйғуларини уйғотишга хизмат қилади.

Ислом КАРИМОВ.



ФИДОЙИЛАР ЧИРОҒИ СЎНМАЙДИ

Хотира ва Қадрлаш куни республика ички ишлар идораларида кенг нишонланди. Тантаналарда иккинчи жаҳон уруши ва ички ишлар идоралари фахрийлари улуғланди, хизмат пайтида ҳалок бўлган милиция ходимларининг порлоқ хотираси ёдга олинди.

Бу кунни Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ички қўшинлари ва Қоровул қўшинлари фахрийлари бирга нишонлашди. Тантанали йиғилишга уруш ва меҳнат фахрийлари таклиф этилди. Ички қўшинлар ва Қоровул қўшинлари Фахрийлар кенгашининг раиси, истеъфодаги полковник Е. Жуковский сўзга чиқиб, фахрийларнинг иккинчи жаҳон уруши даврида кўрсатган жасорати, шунингдек, мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш борасидаги хизматларини алоҳида таъкидлади. Ички қўшинлар кўмондони, генерал-майор Ж. Фозилов йиғилганларни Хотира ва Қадрлаш куни билан муборакбод этди. Тадбир сўнггида катта концерт дастури намойиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ жазони ижро этиш Бош бошқармасига қарашли ички хизмат подполковниги Г. Исроилов раҳбарлик қилаётган муассасада тантана бўлиб ўтди. Унга иккинчи жаҳон уруши ва жазони ижро этиш тизимида узоқ йиллар меҳнат қилган фахрийлар ташриф буюрди.


Меҳмонларга муассаса аскар ва зобитлари, тумандаги мактабларнинг ўқувчилари ва болалар боғчалари тарбияланувчилари томонидан тайёрланган театрлаштирилган томоша кўрсатилди.

Ўз мухбиримиз.

Фарғона вилояти ички ишлар бошқармасида Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ўтказилган тадбир бошқарма ҳовлисидаги Хотира бурчагига гулчамбар кўйиш билан бошланди. Бошқарма раҳбарияти, фахрийлар ва хизмат бурчини ўташ пайтида ҳалок бўлган ички ишлар ходимларининг оила аъзолари халқ осойишталиги йўлида қурбон бўлган ички хизмат капитани Г. Стальников, милиция майори Р. Миртожиев, милиция катта лейтенанти М. Каримовлар кўрсатган жасоратларни яна бир бор ёдга олишди.

Бошқарма раҳбарияти ва шахсий таркиби шанбалиқда ишлаб топган маблағга сотиб олинган қимматбаҳо совғалар уруш ногирони М. Фозилов ва уруш қатнашчиларига тенглаштирилган Х. Маткаримовага топширилди.

Б. ОМОНЗОДА,
ички хизмат капитани.



Хотира ва Қадрлаш кунига атаб ўтказиладиган анъанавий ўн биринчи енгил атлетика мусобақасига бу гал ҳар йилгидан ҳам кўп — 700 нафардан зиёд киши қатнашиш истагини билдирди.

Югуриш мусобақаси иштирокчиларини республика Давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари А. Очилов, республика ИИБ ШТБХ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги А. Юнусхўжаев ва бошқалар табриклашди.

Шундан сўнг пойтахтимизнинг Матонат ёдгорлиги олдида мусобақа бошланди. Салкам олти километрлик масофани босиб ўтишда кетма-кет ет-

тинчи бор яна МХХ вакили А. Алиев ғолиб чиқди. Иккинчи бўлиб маррага Андижон вилояти ИИБ ходими В. Безьянов етиб келди. Учинчи ўрин республика ИИБ вакили С. Денисовичга насиб этди.

Аёллар ўртасида Ю. Архипова (ИИБ) биринчи, Е. Дирова (МХХ) иккинчи ва Г. Камолова (ИИБ ЖИЭББ) учинчи бўлишди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг мусобақада қатнашган фарзандлари, шунингдек фахрийлар ўртасида ҳам ғолиблар аниқланди. Ғолиблар ва фахрийлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Мусобақанинг ёши 12 ёшдан кичик бўлган қатнашчилари ҳам рағбатлантирилди.

А. СТЕПАНОВ.

Хотира нафақат ўтмишни унутмаслик, балки бугунги ҳаётимизнинг қадрига етиш, эртанги кунни тўғри тасаввур этиш, демакдир. У инсонни келажакка очик кўз билан қарашга ўргатади.

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни арафасида республика ИИБ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори Ф. Раҳимов, "Ички ишлар вазирлиги фахрийлари" хайрия жамғармаси раиси, истеъфодаги ички хизмат полковниги Р. Фахрутдиновлар ички ишлар идоралари фахрийлари, уруш қатнашчилари ва ногиронлари хонадонларида бўлишди.

ХОНАДОНГА ИЛИҚЛИК КИРДИ

Шу куни милиция соҳасида кўп йиллар ишлаб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган 1-гурӯх ногирони, истеъфодаги ички хизмат полковниги Баҳром ота Мирзоҳидов таваллуд топган эди. Табаррук ёшни қаршилаган инсон, у кишининг рафиқаси Мастура ая ва фарзандлари меҳмонларни илиқ кутиб олишди. Фахрийлар бир пиёла чой устида бирга хизмат қилган пайтларни эслашди. Вазирлик фахрийлари етакчиси Ғофуржон Раҳимов Баҳром акани таваллуд куни ҳамда қутлуғ кун билан қизғин табриклади. Шундан сўнг унга хайрия жамғармаси томонидан ажратилган ёрдам пули топширилди.

Шу куни бундай йўқловлар истеъфодаги ички хизмат полковниклари В. Аванесов, М. Ҳошимов, Т. Иброҳимов ва бошқа ички ишлар идоралари фахрийларининг оилаларида ҳам бўлиб ўтди.

Ўз мухбиримиз.

ФАЙЗ-БАРАКА АРИМАСИН!

Донишмандлар "қарисини сийлаган юртни тангри сийлайди", дейди. Мен 86 ёшга кириб, кексаларга ҳали ҳеч қачон истиқлол йилларидагидек эъзоз-эътибор кўрсатилганини кўрмаганман. Юртбошимизнинг 2002 йилни Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилиши эса бу эътиборни юксак даражага кўтариб, кўнглимизни гурурга тўлдирди.

Биз, фахрийлар бу гамхўрликларга жавобан жамият ҳаётида фаол иштирок этиб, жойларда осойишта ҳаётни таъминлаётган ёш ходимларга ўз ҳаётий тажрибаларимизни ўргатишимиз зарур, деб биламан. Шу билан бирга ёрдамга муҳтож, ёлғиз сафдошларимизни ҳам унутмаслигимиз, уларнинг ҳолидан хабар олиб, моддий-маънавий кўмаклашимиз шарт. Ана шунда фуқароларимиз орасида меҳр-оқибат ришталари янада мустаҳкамланади. Юртимизда тинчлик, осойишталик, фаровонлик ҳукм суриб, мамлакатимиз янада гуллаб-яшнаверди.

Р. КАРИМОВ,
истеъфодаги милиция подполковниги.

ТАБАРРУК ЁШИНГИЗ МУБОРАК!

... Абдулла бир бахти ярим оиланинг кемтигини тўлдириб дунёга келди. Ёлғиз фарзанд алпкелбат, хушсурат йигит бўлиб улғайди. Чолу кампирнинг уларини ҳам, кўнгилларини ҳам тўлдириб юрди. Ўрта маълумот олгач, Самарқанддаги тиббиёт институтига ўқишга кирди. 2-босқичини тугаллаб, Ватан хизматига отланди. Ота ўғлининг йўлини тўсмади. Ёлғиз деб талтайтирмади. Аммо муштипар она... Шундоқ ҳам ёлғизининг ўзидан олисда ўқиб юриши, айрилиққа алҳол чидаб келаятган эди. Ота кампирини аяб, унга билдирмади. Хизматнинг бир йили ўтгач, уруш бошланди.

Чол-кампирнинг фарзандларини дуо қилишдан бошқа чоралари қолмади. Халқимизда бир одат бор. Узоқ сафарга кетаётган кишига нон тишлатиб қолинади. Ризқ-насибаси узилмасин, яна соғ-омон ўз уйига қайтиб келсин, деб шундай қилишади. Абдулла ўқ дўлдай ёғилиб турган жанггоҳлардан омон қайтди, ризқи узилмади.

Ёлғиз фарзандни ота-онасининг арзандаси дейишади. Арзанда деганда эса кўз олдимизга эрка, тантиқ, такасалтанг келади. Бизнинг қахрамонимиз эса уларга мутлақо ўхшамайди. Отаси унинг хулқини ҳар бир йигитга ярашадиган сифатлар билан безади. Меҳнатқаш, ҳалол, бир сўзли, мустақил, камтар қилиб тарбиялади. Унинг айнан шу сифатлари кейинчалик хизмат пиллапояларидан кўтарилишида, обрў-эътибор топишида асосий омил бўлди.

— Ички ишлар идорасига хизматга кирганимда 23 ёшда эдим, — дея

эслайди Абдулла ота Аббосов. — Ишни тезкор гуруҳ бошлиғига ёрдамчиликдан бошладим. Ундан кейин тергов бўлимида ишладим. 1949 йилнинг қаҳратон қиш кунлари эди. Бошқарма бошлиғи хузурига чорлаб, сени вазирликка чақирингиз, деб қолди. 27 ёшимда Норин тумани ички ишлар бўлимига бошлиқ этиб тайинлашди. Шундан кейин аввал Тошкентдаги ўрта-махсус, кейин олий милиция мактабининг сиртдан ўқиб тамомладим. Чуст, Янгиқўрғон туманлари, Наманган шаҳар ИИБ, вилоят ИИБ тергов бўлимида бошлиқ лавозимларида ишладим.

Абдулла отанинг ҳикоясидан унинг иш фаолияти оддий, раvon, бир текис ўтганга ўхшайди. Аслида бу камтар инсон қаерда ишлагани, ўзидан яхши ном қолдириб, ҳамиша ўрناق кўрсатиб келди. Қадрлар билан ишлаш бўйича услуби юксак баҳоланиб, уни бутун республикага кенг ёйишга қарор қилинди.

А. Аббосов ички ишлар соҳасида қирқ йил ишлаб, 1984 йилда милиция полковниги унвони билан истеъфого чиқди.

— Ҳеч афсус, армон қилганмисиз? — сўрайман отадан. Абдулла ота терговчиларга хос синчков боқувчи кўзларини бир нуқтага қаданганча ўйланиб қолдилар. Сўнг:

— Танлаган соҳамдан афсус қилмайман. Тинчлик-осойишталик бор жойда тараққиёт бўлади. Шу йўлда бедор ўтказган

ИИБ бошлиғи, милиция майори Баҳодир Аббосов Наманган тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, неваралари Нодирбек Мўминов Тўрақўрғон тумани ИИБ терговчиси, Санжар эса ИИБ Академиясининг талабаси.

Албатта, Абдулла Аббосов эришган ютуқларида турмуш ўртоқлари Замзамхон аянинг ҳам муносиб улуши бор. Оиладаги осойишталик оила бошлиғининг муваффақиятларига асос бўлган. Абдулла ота Замзамхон ая



Суратда: А. Аббосов (ўнг томонда) Наманган вилояти ИИБ биносига биринчи гишт қўйиш тадбирида. (Сурат А. Аббосовнинг шахсий архивидан олинди).

тунларим билан фахрланаман.

Фарзанд ота-онанинг иккинчи умри, дейишади. Абдулла Аббосовнинг бу орзусини тақдир армонга айлантормади. Икки ўғил, икки неварота изидан боришди. Ўғиллари, милиция полковниги Рустам Аббосов Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани

билан 4 ўғил, 6 қизни вояга етказишди. Уларнинг бари ўқимишли, маърифатли, эл қорига ярайдиган инсонлар бўлиб улғайишди.

Шу қутлуғ кунда Абдулла Аббосов саксонинчи баҳорни қарши олаётдилар. Муборак ёшини кутлуғ бўлсин, отахон, деймиз.

Д. ТУРҒУНОВА.



1941-1945 йиллардаги урушдан соғ-саломат қайтган Мухтор Ҳайдаров юртнинг тинчлиги ва осойишталигини сақлашга бел боғлади. Милицияда хизмат қилган йиллари давомида жиноятқидирув ишларида фаол иштирок этди. Унинг бевосита ёрдамида кўплаб жиноятчилар аниқланиб ушланди. Айни кунларда Мухтор ака Ҳайдаров Тошкент вилояти ИИБ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги марказининг аъзоси. У эл-юрт осойишталиги йўлида ҳамон ўрناق бўлса арзигулик ишларни амалга ошираяпти.

Суратда: М. Ҳайдаров милиция лейтенанти Искандар Эргашев билан.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ олган сурат.

Қарши шаҳри Махсумобод маҳалласида 80 ёшни қаршилаган истеъфодаги милиция подполковниги Жаббор Шаропов истиқомат қилади.

ИБРАТЛИ УМР

— Сира хотирамдан чиқмайди, — дея эслайди отахон, — қирқинчи йилларда Қарши туманининг ўзим туғилиб ўсган Ҳарамжўй қишлоғида 7-синфни тугатиб жамоа хўжалигида бригада ҳисобчиси бўлиб ишладим. Тўсатдан уруш бошланиб қолди. 1942 йили фронтга кетдим. 1949 йилда армия хизматини тамомлаб уйга қайтдим.

Мени Қарши шаҳар молия бўлимига ишга олишди. Кўп ўтмай милиция соҳасига таклиф қилишди. Аввалдан иштиёқим борлиги учун ҳеч иккиланмай рози бўлдим.

Ишни вилоят ИИБ паспорт бўлими инспекторлигидан бошладим. 1950 йил сентябрь ойида мени Тошкент милиция мактабига ўқишга юборишди. Икки йилдан сўнг ўқишни битириб вилоят ИИБда катта инспектор, шаҳар ИИБ бошлиғининг ўринбосари вазифаларида ишладим. Кейинроқ эса Қарши тумани ИИБ бошлиғи вазифасига тайинлашди.

1975 йилда бошқарма жиноят-қидирув бўлими бошлиғининг таклифи билан бўлим бошлиғи ўринбосари вазифасида ишлай бошладим. Шу

кезлари вилоятда оғир турдаги жиноятлар кўп бўлиб, уларни фoш этиш қийин кечаётганди. Бунинг устига бу соҳада малакали кадрлар кам эди.

Жаббор ака Шаропов ички ишлар идоралари тизимида 40 йил хизмат қилиб, воҳа аҳлига ҳалоллиги, хушмуомалалиги ва бир сўзлиги билан танилди. Отахон бугунда Қарши шаҳрининг Махсумобод маҳалласида ҳурмат-эътиборга сазовор. Сермашаққат йўлни босиб ўтган бу камтарин инсон турмуш ўртоғи Маҳкам ая билан фарзандлар тарбиясига бош-қош. Уч ўғил, беш қизни вояга етказиб, 26 нафар неварачеваралар даврасида бахтли турмуш нашидасини суришяпти.

А. ЭЛМИРЗАЕВ.

ШАРОФ АКА ЁҚҚАН ЧИРОҚ

Шароф Ашуров умрини эл осойишталигига бахшида этган инсонлардан эди. Унинг таржиман ҳолига кўз югуртирган киши бунни чуқур ҳис этиши табиий.

Ш. Ашуров қирқ йилдан ортиқ ички ишлар идораларида хизмат қилди. Иккинчи жаҳон уруши машаққатларини ҳам бошидан кечирди. 1941-1943 йилларда сиёсий бошқарма олий мактаби тингловчиси бўлди. 1945-1949 йиллар тезкор вакил, кейин эса Қарши тумани ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари бўлиб ишлади. 1979 йилга қадар бўлинма бошлиғи, бўлим бошлиғи лавозимларида фаолият кўрсатди.

Раҳматли бир гал борганимда Мироқи кўрғончасида “Олтин” операциясини қандай уюштиришганини сўзлаб берганди. — У пайтлари, — деганди Шароф ака, — техника қаяқда, от-уловда қишлоқма-қишлоқ, тоғма-тоғ юриб эл осойишталигини таъминлардик. Уч ҳафталаб уйга қайтиб келмаган пайтларимиз бўлган. Бир гал Мироқи кўрғониди С. исмли шахс олтин тангаларни яширин пуллаши ҳақида

маълумот олдик. С. бизни дарғазаб кутиб олди. У менда ҳеч қандай тилла танга йўқ деб туриб олди. Ўшанда ҳовлининг кавланмаган ери қолмади. Уй ичини тинтув қилганимизда ҳам наф чиқмади. Негадир девор орасига ўрнатилган печ диққатимни тортди. Унинг юқори қисмидаги деворни муштлагандим ғалати садо чиқди. Шу жойни кўпорган эдик олтин тангалар жаранглаб тўкилди. Салкам саккиз кило тилла топилди.

Бундай воқеалар Шароф Ашуров ҳаётида кўп бўлган.

— Шароф ака кўп йиллар вилоят ИИБ кўриқлаш бўлими бошлиғи бўлиб фаолият кўрсатди, — деди истеъфодаги ички хизмат полковниги Мелик Жўраев. — Бизлар ёнма-ён ишлардик. Шароф ака қатъиятли раҳбар эди. Милиция полковниги унвонига эришди. Бунинг замирида улкан меҳнат ётибди. Унинг хотираси доимо ёдимизда.

Бугунги кунда Шароф Ашуровнинг фарзандлари турли соҳаларда хизмат қилиб, эл меҳрини қозониб келмоқда. Инсон ҳаётининг давомийлиги ва абдийлиги шунда эмасми?

Ҳ. ҲАЙДАРОВ.

ВАТАННИНГ МАРД ЎҒЛОНИ

... Пахта йиғим-терими авж олган кунлар. Жиззахнинг кўз илғамас кенгликларга ёйилган, оппоқ очилиб ётган пахталари тезроқ йиғиб олинмаса, ёгин-сочин остида қолиш хавфи туғилди. Дехқоннинг пешона тери эвазига этиштирилган мўл ҳосил нобуд бўлишига қайси инсон бепарқ қарайди? Бир неча юз ҳашарчилар 35 та автобуста “Жиззах-Қўқон” йўналиши бўйлаб йўлга тушдилар. Ҳашарчилар колоннаси ҳаракатланаётган йўлни кузатиб турган, ҳаракат хавфсизлигига масъул ички иш-

лар ходимлари қаторида Зарбдор тумани ИИБ қошидаги кўриқлаш бўлими милиционер, милиция сафдори Алишер Аюпов ҳам бор эди. Тун ярмида ўз постида ҳушёр турган Алишернинг кўлидаги рация тилга кирди. “Диққат, диққат! — дерди унда Алишернинг сафдошларидан бири ташвиш билан. — Ҳашарчилар колоннаси томон “КамАЗ” русумли машина катта тезликда бормоқда. Тўхташ ҳақидаги буйруғимизни ҳайдовчи писанд қилмай, ҳаракат қодаларини кўпол равишда бузгани-

ча ўтиб кетди. Эҳтиёт бўлиб, “КамАЗ”ни тўхтатиш чорасини кўринг!”

Лекин қоидабузарни тўхтатиш учун вақт жуда оз қолганди — бир томонда қатор келаётган автобуслар тобора яқинлашар, иккинчи томонда эса “КамАЗ” елиб келарди. Уйлаб ўтиришга вақт йўқ, қатъий чора кўриш керак!

Алишер кўлидаги махсус таёқчани кўтарганича, колонна устига бостириб келаётган “КамАЗ” томон югурди. У улгурди: ўз ҳаёти, ёш жони, орзулари эвазига ўша, бадмаст ҳайдовчи пи-

нак бузмай юзлаб одамнинг жонига қасд қилиб келаётган “КамАЗ”ни тўхтатди. Ярим тунда, автобуснинг бир текисдаги аллаловчи ҳаракатидан ширин уйқуга кетган ёки мудраётган йўловчи-ҳашарчилар ҳозиргина ёшгина бир йигит, ички ишлар ходими ўз ҳаёти эвазига ҳаётларини сақлаб қолганини билиб-билишмади.

Президентимизнинг Фармони билан 1995 йил 9 ноябрда халқнинг содиқ ўғли Алишер Аюпов “Жасорат” медали билан (вафотидан кейин) тақдирланди. Зеро, Ватан, халқ ботир ўғлонларини ҳеч қачон унутмайди.

Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА.



МАНГУ ЭҲТИРОМ

Бу фоний дунёда абадий нарса кам. Келажак авлодлар тугул, дўсту кадрдонлари, яқинлари қалбида ёрқин хотира қолдириш ҳам ҳаммага насиб этавермайди.

Бино кўриқлаш бўлими ихтиёрида. Ҳаракатингни қил”, — деди. Дарҳол бошлиғимиз, ҳозир истеъфодаги милиция подполковниги Тўлқин Зойировнинг олдига бориб, дардимни айтдим.

“Яхши, кўчиб ўт, уй олгунингча турарсан”, — дедилар. Бу инсон Вафобойга ҳам устозлик қилган, кўп ғамхўрликлар кўрсатган.

Шу-шу Вафобой билан бир ҳовлида ўн йилча бирга турдик. Ўтган даврда уни янаям яхшироқ билиб олдим.

Дўстимнинг уйи тор бўлса ҳам, кўнгли кенг экан. Келган меҳмонни — яқин қариндоши бўладими ёки узоқ танишими — кучоқ очиб кутиб оларди. Одамлардан қўлидан келган ёрдамни аямасди. Бировни ишга жойлаштирган. Бошқага малакали шифокор топиб берган. Хуллас, ҳожатбарор эди. Оллоҳ суйган бандасига бошқаларнинг ҳожатини

туширади, дейишади. Таниш-билиши, ошна-оғайнисини кўп эди раҳматининг. Ўзим ҳам Вафобойга кўшни бўлиб, ундан элга кўшилишни, дўст-биродар орттиришни ўргандим.

У ниҳоятда ҳафсалали, меҳнатқаш эди. Эриниш, оғриниш нималигини билмасди. Маълумки, кўриқлаш хизматининг асосий фаолияти тунда бошланади. Вафобой катта инспектор бўлганида, ярим кечаси туриб қоронвуларни текширгани кетарди. Хусусан, қишнинг аёзли тунлари беш-олти чақиримни пиёда айлашни кўз олдингизга келтиринг.

Кейинроқ алоҳида уй олиб кўчиб кетди. Ҳамза тумани ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими бошлиғининг ўринбосари этиб тайинланди. Бўлинма сардорининг муовини, милиция подполковниги даражасига етди. Мен эсам бошқармага ишга ўтдим.

Аммо алоқамиз, бордикелдимиз узилмади.

Фарзандлари фарзандларимга тенгдош. Тўнғич ўғли Умирбек авиасозлик институтида таҳсил олапти. Ўртанчаси Улуғбек касб-хунар коллежини тугатиб ишлапти. Қизи Гулноза ҳам ҳаётда ўз йўлини топган. Ҳаммаси ота тарбиясини олган, эсли-хушли.

Вафобойнинг умри қисқа экан. Уни 48 ёшида бедаво дард орамиздан олиб кетди. Таъзиясига эл дарёдай оқиб келди. “Дўстим лунё эмас, ёр-биродар тўплаган экан-да”, деб ҳаёлимдан ўтказдим.

Оғайнилари йиғилиб қолсақ, орамизда кимдир камлиги сезилиб қолади, унинг ўрни шундоқ билиниб туради. Тўплангудай бўлсақ, дарров тадбирларни ташкил қилиб юборарди. “Бахтиёр, ошга унна. Қоплонбек, бозорга югур! Йигитлар, бўшашманглар”, — дерди у шўх-шодон. Ҳа, давраларга бир зумда жон киргизиб юборарди.

Илоё, дўстимнинг руҳи шод, макони обод бўлсин!

Б. БОБОЁРОВ.



9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Ўзининг инсоний фазилатлари ва эзгуликка йўғрилган меҳнати билан элдошлари қалбидан чуқур ўрин олган ажойиб инсон Хўжабек Сержанов асли тўрткўллик. Ўн олти ёшга тўлганда машум уруш бошланди. Орадан икки йил ўтгач, Хўжабек ҳам кўлига қурол олиб она-юрт химоясига отланди.

УНДАН ЯХШИ НОМ ҚОЛДИ

У Украина fronti жангчилари сафида бир қатор шаҳарларни озод этишда фаёл қатнашиб, Берлингача борди.

Урушдан қайтган Х. Сержанов бир йилдан сўнг Тўрткўл тумани ИИБга оддий милиционер бўлиб ишга кирди. Фаолияти давомида Тошкент милиция ўрта ва олий мактабларини сиртдан битирди. Вақт ўтиши билан Чимбой, Хўжайли, Тахтақўпир туманлари ИИБларига раҳбарлик қилди. Самарали хизматлари учун ҳукуматимизнинг бир қанча орден ва медаллари билан тақдирланди. 1975 йилда эса истеъфога чиқди. Шунга қарамай турли соҳаларда меҳнат қилди.

— Отам бизни—етти фарзандини олий маълумотли қилдилар, — деб хотирлайди қизи, Тўрткўл тумани ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Клара Сержанова. — Қабулимга қариялар келганда падари бузрукворимни эслайман. Отам билан ҳақли равишда фахрлансақ арзийди. Опам



Тамара, сингилларим Зуҳра ва Замиралар маориф соҳасида, укаларим Икромбек тумани ИИБ, Қобилбек фермер хўжалигида, Маратбек эса Эллиққалба тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи лавозимида меҳнат қилишмоқда.

— Бир-биримизга суяниб, тушуниб яшаганимиз учун бирор марта санманга бормаганмиз, — дейди Хўжабек оғанинг умр йўлдоши Арухон ая. — Афсуски, у кишига бу дорилмоҳ кунларни кўриш насиб этмади. Лекин хотирлашга арзигулик ибратли ишлар, яхши ном, эсли-хушли, Ватан равнақи йўлида хизмат қилувчи фидойи фарзандлар қолди.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ.

ЭЛ СУЙГАН ШИФОКОР

Орамизда шундай инсонлар борки, уларнинг ҳаёт йўли, фаолияти ҳеч муболағасиз кўпчиликка намуна бўла олади. Ана шундай ажойиб юртдошларимиздан бири республика Ички ишлар вазирлиги Марказий поликлиникаси шифокори Ирина Георгиевна Сунгуровадир.



У 1960 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтини аъло баҳолар билан битиргач мамлакатимизнинг олис ҳудуди — Сурхондарё вилоятининг Денов туманига ишга юборилди. Касбини жон-дилидан севувчи Ирина тезда “Ираҳон”, “дўхтир опа” номи билан иззат-ҳурмат қозонди. “Дўхтир опа” икки ойдаёқ ўзбек тилини ўрганиб, ҳузурига келувчилар билан бемалол гаплаша оладиган бўлди.

Орадан вақт ўтиши билан катта иш тажрибасига эга бўлган Ирина Георгиевна 1973 йилдан буён ИИБ Марказий поликлиникасининг етакчи шифокорларидан, пульмонолог сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

— Ирина Георгиевнанин ажайиб хислатларидан бири, ҳар йили Наврўз арафасида ўз кўллари билан етиштирган даста-даста гулларни ҳамкасбларига тақдим этиб, ҳаммамизни байрам билан табриқлайди, — дейди ҳамшира С. Тавбаева. — У урф-одатларимиз, кадрларимизни жуда ҳурмат қилади.

Г. ҚОСИМОВА.

ҚАЙДДАН ЎТИШ, ФУҚАРОЛИК ВА БОШҚА МАСАЛАЛАР ҲАҚИДА

Аввал хабар берганимиздек, 4 май куни Ўзбекистон Республикаси ИИБ Бирлашган тахририятида паспорт тизими, яшаш тартиби ва фуқаролик масалаларига бағишланган бевосита мулоқот бўлиб ўтди. Фуқароларимизни қизиқтирган барча саволларга Ўзбекистон Республикаси ИИБ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бошқармаси чет эл фуқароларини рўйхатдан ўтказиш ва қайд қилиш бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Абдувоҳид Аъзамов, бошқарма паспорт бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Фатхулла Тошпўлатов, Тошкент шаҳар ИИББ хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бошқармаси катта инспекторлари, милиция подполковниги Аброр Азларов ва милиция майори Малика Маматовалар жавоб қайтаришди.

Қўнғироқ қилганларнинг аксариятини фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет эл фуқароларининг Тошкент шаҳрига доимий қайддан ўтказиш масаласи қизиқтирди.

— Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасини олиш ва Тошкент шаҳрига доимий қайддан ўтиш учун истиқомат қиладиган жойдаги ХЧК ва ФБга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

— ариза — анкета (агар аризачи ҳеч қаерда ишлаган бўлса, яшаш жойидан тасдиқланади);

— паспорт нусхаси;

— таржимаи ҳол;

— вояга етмаган болаларнинг туғилганлик тўғрисида гувоҳномасининг нусхаси;

— никоҳ, никоҳнинг бекор қилинганлиги ёки турмуш ўртоғининг вафот этганлиги тўғрисида гувоҳноманинг нусхаси;

— яшаш жойидан барча доимий яшовчилар кўрсатилган маълумотнома;

— аризачи доимий қайддан ўтмоқчи бўлган жойда яшовчи барча шахсларнинг бунга розилиги;

— уйга эгалик қилиши ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси;

— уй дафтариининг нусхаси ёки 16, 17-шакл;

— хонадон эгаси билан қариндошлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

— белгиланган тартибдаги тилхат;

— давлат божи тўланганлиги ҳақида қвитанция;

— 3,4x4,5 ҳажмдаги сурат (4 дона);

— қайддан ўчганлиги ҳақидаги варақанинг нусхаси.

Илова: 4,5,7,8,10-бандлардаги ҳужжатлар нотариус томонидан тасдиқланади.

Эслатиб ўтамиз, пойтахтга доимий қайддан ўтиш масаласи Тошкент

шаҳри ҳокимияти ҳузурдаги махсус комиссия томонидан кўриб чиқилади.

Тошкент шаҳрининг Сирғали туманида яшовчи Т. Орифбоев қизининг Янгийўл шаҳрида яшовчи кўёвининг уйига доимий қайддан ўтиш тартибини сўради.

Жавоб: Ўзбекистон фуқаролари республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида доимий ва вақтинча қайддан ўтиш учун яшаш жойларидаги ХЧК ва ФБга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этилади:

— белгиланган намунадаги ариза;

— Ўзбекистон Республикасининг фуқаросининг паспорти;

— 16 ёшга тўлмаган, оналаридан (васий ва ҳомийларидан) алоҳида яшовчи шахсларнинг туғилганликлари ҳақида гувоҳномаси;

— давлат божи тўланганлиги ҳақидаги қвитанция.

Пойтахтнинг Мирзо Улугбек туманида яшовчи Ф. Шоғалиева яшаш гувоҳномасини олган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилиш тартиби билан қизиқди. Зарафшонлик Г. Котова ҳам шу масала билан мурожаат қилди.

Жавоб: чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилишлари учун ўзлари доимий яшайдиган жойларидаги ХЧК ва ФБга мурожаат қилиб, қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти номига илтимоснома (унда аризачи Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тан олишини, унинг талабларини бажариш мажбуриятини олишини ва чет эл фуқаролигидан воз кечишни кўрсатади);



А. АЪЗАМОВ



Ф. ТОШПЎЛАТОВ



М. МАМАТОВА



А. АЗЛАРОВ

— ариза-анкета (икки нусхада);

— чет эл фуқаролигидан чиққанлигини тасдиқловчи ҳужжат (фуқаролиги бўлмаган шахслар бундан мустасно);

— таржимаи ҳол (икки нусхада);

— қонуний даромад манбалари борлигини тасдиқловчи ҳужжат (иш жойидан маълумотнома ёки унинг ўрнини босувчи, иш ҳақини, пенсияни, нафақани, дивидендларни ва бошқа даромад манбаларини кўрсатувчи ҳужжат);

— 35x45 мм ҳажмдаги 4 дона фотосурат;

— оила таркиби тўғрисида яшаш жойидан маълумотнома (икки нусхада);

— давлат божи тўланганлиги ҳақида қвитанция.

Сирдарё вилоятдан қўнғироқ қилган К. Ербўтаев қуйидаги саволни берди: Хотиним доимий яшаш белгиланган беш йил тўлмасдан Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши мумкинми?

Жавоб: “Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддасига биноан шахс республикамиз фуқаролигини қабул қилиши учун сўнгги беш йил давомида юртимизда доимий яшаган бўлиши керак.

Ушбу қоида Ўзбекистон Республикасида туғилган ва ота-оналаридан бири, бобоси ёки буvisи республикамизда туғилган ҳамда бошқа давлат фуқаролигини қабул қилмаганлигини исбот қила олган шахсларга татбиқ этилмайди.

З. Мамедова (Зарафшон шаҳри): Ўзбекистон фуқароси бўлмаган шахсдан доимий қайддан ўтиш ҳақидаги аризасини кўриб чиқиш учун қанча давлат божи олинадилар? Бирор имтиёз кўзда тутилганми?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ хорижий фуқаролар ва МДХ аъзоси бўлган давлатлар фуқароларидан доимий қайддан ўтиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш учун олинган давлат божи 50 АҚШ доллари миқдорига белгиланган.

Ҳеч қандай имтиёзлар кўзда тутилмаган.

А. Вознюк (Украина фуқароси): Меҳнат вазирлигининг Ўзбекистон Республикасида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бўлган чет эллик мутахассислар қандай муддатда қайддан ўтишлари мумкин?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрда чиққан қарорига мувофиқ МДХ аъзоси бўлган давлатлар фуқаролари чет эл фуқароларига тенглаштирилади ва улардан вақтинчалик қайддан ўтишни расмийлаштириш учун давлат божи чет эл валютасида олинади. Чет эл фуқароларидан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан кириш визаси амал қиладиган муддат учун ва вақтинчалик қайддан ўтказиш даврига қуйидаги қийматда тўлов олинади:

1 ойгача бўлган муддатга — 20 АҚШ доллари

2 ойгача бўлган муддатга — 40 АҚШ доллари

3 ойгача бўлган муддатга — 60 АҚШ доллари

6 ойгача бўлган муддатга — 100 АҚШ доллари

1 йилгача бўлган муддатга — 200 АҚШ доллари

(Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 апрелда чиққан Қарори, 6-банди).

Юқорида кўрсатилган қарорнинг 7-бандида қуйидагилар белгиланган: МДХ вакиллари бўлган давлатлар фуқаролари, шунингдек фуқаролиги кўрсатилмаган собиқ Иттифоқ паспортлари билан келган фуқароларни вақтинчалик қайддан ўтказиш учун:

3 суткадан 6 ойгача — 5 АҚШ доллари;

6 ойдан ошган муддатга — 10 АҚШ доллари олинади.

Шундай қилиб чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва МДХ аъзоларининг фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида кўрсатилган қарорига мувофиқ вақтинчалик қайддан ўтишлари мумкин.

Р. Ромакиев ва Е. Романова: Россияда доимий яшашга кетаётган ва у ерда

фуқаролиқни қабул қилмоқчи бўлган шахслар учун ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби қандай?

Жавоб: Бунинг учун улар Ўзбекистон фуқаролигидан чиқишлари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар гувоҳномасини олишлари лозим. Россия фуқаролигини олиш учун Россияга бормасдан туриб Тошкент шаҳри, Нукус кўчасида жойлашган Россия элчихонасига ҳам мурожаат қилиш мумкин.

И. Максимова: Фуқарони вояга етмаган фарзанди билан бирга доимий яшаш жойидан рўйхатдан чиқариш учун қандай ҳужжатлар талаб этилади?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси паспорт тизимини такомиллаштириш ҳақида”ги Фармонида биноан ўзи яшаб турган туман ИИБ хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бўлинмасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этилади:

— Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг аризаси;

— Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти;

— “Уй дафтари” ёки 16-форма;

— *балоғатга етмаган фарзандларининг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси;*

— *рўйхатдан чиқиш варақаси.*

Пойтахтимизнинг Сирғали туманида яшовчи Э. Югай қуйидаги саволни берди: Акам эски намунадаги (1992 йилгача берилган) паспортини йўқотиб

қўйди. Янги паспорт олиши учун у қаерга мурожаат қилиши керак?

Жавоб: Акангиз янги паспорт олиши учун яшаш жойидаги ХЧК ва ФБга мурожаат қилиши лозим.

Сурхондарёлик А. Холиқов янги паспорт расмийлаштириш харажати билан қизиқди.

Бу сумма Ўзбекистон Республикасидаги энг кам иш ҳақининг 30 фоизи миқдорига белгиланган.

Тошкент шаҳрининг Қорасув мавзесида яшовчи Л. Панова қизи паспортини ўз вақтида расмийлаштирмаганлиги учун паспорт хизмати ходимлари унга жарима солганларини айтиб, улар ҳақми деб сўради. (Қизи 25 ёшга тўлгач бир неча ҳафта ўтгандан сўнг янги паспорт олиш учун ҳужжат топширган).

Жавоб: Ҳа улар ҳақ. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 223-моддасига мувофиқ ҳақиқий бўлмаган паспорт билан яшаб юрган фуқарога энг кам иш ҳақининг 50 фоизидан 100 фоизгача миқдорда жарима солинади.

Ю. Невтулин (Россиядан келган, Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида истиқомат қиладилар): Паспортини йўқотиб қўйдим. Янги паспортни қандай олишим мумкин?

Жавоб: Агар Россия фуқароси бўлсангиз, сизга №9 шаклдаги маълумотнома берилади. Унга асосан сиз Россия элчихонасига мурожаат қилиб сертификат ёки паспорт олишингиз мумкин.

Тахририятдан. Мулоқот давомида “Постда” ва “На посту” газетлари тахририятидаги рақамлари муштарийлар эътиборига ҳавола этилган телефонлар устма-уст жинглик турди. Нафақат пойтахтликлар, балки республикамизнинг турли бурчакларидан сиз қоқинди. Бу кўтарилган мавзунинг долзарб эканлигини кўрсатди.

Хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик хизматининг мутахассислари, шунингдек, фуқароларнинг телефон ва почта орқали йўллаган мактублар орқали берган бошқа саволларига ҳам батафсил жавоб қайтардилар. Бевосита мулоқот чоғида муштарийларимиз ўзларини қизиқтирган барча масалалар юзасидан тегишли жавоб олдилар, деб ўйлаймиз. Афсуски, барча савол-жавобларни чоп этишни имкони бўлмади, биз энг муҳимларини эътиборингизга ҳавола қилдик. Тахририят бундан кейин ҳам бевосита мулоқотлар ўтказишга тайёр, уларнинг мавзусини сиз азиз газетхонлар ҳам айтасиз деган умиддамиз.

UCHINCHI «Посиња» gazetasing ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR, INTERNET XABARLARI

+ TV



OLAM

Табиат кўп ҳолларда ғаройиб мўъжизалари билан инсонни лол қолдириб, ўйга толдириб келган. Куйида эътиборингизга ҳавола этилаётган воқеалар ҳам ҳар қанча ғайритабиий туюлмасин, улар ҳаётда рўй берган. Ушбу воқеалардан хабар топган киши Африкада яшовчи қабилалардан бири сув остида узок вақт туришининг сизу биз билмайдиган сиридан воқиф деган хулосага келиши табиий.

тузилган режа қутилмаган натижага олиб келди. Ажабланарлиси, қирғоқда қайиқлар жуда кўп эди. Демак, оролни яхшилаб текшириб чиқиш керак, хаёлидан ўтказди офицер, ахир

либ олишга муваффақ бўлди...

Хувиллаб ётган қишлоқлардан бирига келган солиқ тўпловчилар сўқмоқ бўйлаб дарё томонга юрдилар. У ерда қайиқлар ҳам, қайиқлар

ликлар жар ёқасида ўсаётган дарахтларнинг илдизларига чирмашиб олишгани сабабли уларни кўзгатишнинг иложи йўқ эди.

Бирор натижага эриша олмаган гуруҳ орол-

са бўлмагандек шу ерлик одамлар кезиб юриб, денгиз инъомларини тепадан арқонга боғлаб тушириладиган саватларга жойлаш билан банд эдилар. Тўғри, уларнинг тўпигига тош боғлаб қўйилган эди. Аммо ҳар бир шўнғувчи сув остида камида ярим соат бўлишига ақл бовар қилмасди...

Бундай воқеалар талайгина саволларни келтириб чиқариши табиий. Айтайлик, бутун бир қишлоқ одамлари сув остида шунча вақт қандай туриши мумкин? Чунки энг тажрибали шўнғувчи ҳам нари борса 3-5 дақиқага чидаши маълум. (Тўғри, сув остидан жавоҳир изловчилар узок машқлар туфайли бу кўрсаткични 10-12 дақиқага етказиб, рекорд натижага эришишган). Мантиқан олиб қараганда инсон имконияти шу билан чегараланиши лозим эди. Лекин...

Олиб борилган тадқиқотлар одам ўпкаси ва балиқ жабрасида бир хил жараён кечиши, улар атроф-муҳитдан кислород олиб, қонга йўллашини кўрсатмоқда. Қондан эса карбонад ангидрид гази ажралиб чиқади. Хўш, унда инсон нега балиқ каби сувда нафас ололмайди? Билдирилган тахминлардан бирига кўра бунинг учун иккита шарт талаб этилади: сувда кислород миқдори имкон қадар кўп, сув эса физиологик хусусиятига кўра қонга яқин бўлиши лозим.

Юқорида эътиборингизга ҳавола этилган "сув ости мўъжизалари"га келсак, улар бизга маълум бўлмаган дори-дармонлар истеъмол қилиниши, гипноз ёки ғарбий Африка аҳолисининг ўзига хос истеъдоди маҳсули бўлиши мумкин. Дарвоқе, олимлар кўпроқ шулардан сўнггиси тўғри эканлигини эътироф этмоқдалар.

Хориж матбуоти асосида тайёрланди.

ОДАМ-АМФИБИЯ:

ҚОБИЛИЯТМИ ЁКИ

УЙДИРМА?

Бу ҳақда африкаликларнинг ўзлари лол қолдириб, ўйга толдириб келган. Куйида эътиборингизга ҳавола этилаётган воқеалар ҳам ҳар қанча ғайритабиий туюлмасин, улар ҳаётда рўй берган. Ушбу воқеалардан хабар топган киши Африкада яшовчи қабилалардан бири сув остида узок вақт туришининг сизу биз билмайдиган сиридан воқиф деган хулосага келиши табиий.

Аммо қишлоқда... ҳеч ким йўқ эди. Ҳатто итлар ва қўлга ўргатилган маймунлар ҳам қаёққадир ғойиб бўлганди.

Ҳайратга ва бироз ҳавотирга тушган офицер ҳамда сержант бошқа бир қишлоққа боришди, аммо у бўм-бўш эди. Қолган гўшаларда ҳам шундай манзаранинг гувоҳи бўлдилар.

Барча аҳоли яшаш масканлари атрофи кичик дарё ва жилғалар билан ўралган оролга жойлашган эди. Бу жойларда африкаликлар фақат қайиқларда ҳаракатланишар, сўқмоқлар эса одатда қайиқлар туррадиган манзилдан оролнинг ўртаси — қишлоқ жойлашган ҳудудга етиб олишга хизмат қиларди.

Бирорта тирик жонни учратмаган солиқ инспекторлари туб аҳоли қайиқларга яширинган, деган қарорга келдилар. Офицер ўз одамларини қишлоқлардан бирига жўнатди, ўзи эса қонунбузарларни қўлга олиш илинжида байдаркада орол атрофини кўздан кечири бошлади. Пухта ўйлаб

одамлар сув остига яширинмайдилар-ку!

Аммо бундан бирор наф чиқмади. Шу боис офицер қаттиқ ташвишга тушган эди. У кўп ўйлаб ниҳоят солиқни ўз вақтида тўлаётган аҳоли яшаётган қишлоққа йўл олди. Бораётиб тасодифан ов қилиб келаётган бир нечта кишини учратиб қолди. Аввалига овчилар ҳеч нарсадан хабарлари йўқлигини айтишди. Аммо африкаликларнинг бир-бири билан иноқ яшаши эътиборга олинса бунга ишонил қийин эди. Шу боис офицер бор маҳоратини ишга солиб, қишлоқ аҳли қаердалигини би-

тўхтайдиган жой ҳам йўқ эди. Жарлик тепасидан кўм-кўк сувнинг туби бемалол кўриниб турарди. Офицер жар ёқасига келиб энгашганча пастга қаради ва... сув остида қишлоқ аҳли — аёллар, эркаклар, болаларни кўрди. Уларнинг барчаси қимирламай ўтирар, худди ухлаётгандек кўринарди. Қизиги шундаки, итлар ва маймунлар ёнларидаги саватлар ичида ётарди... Дарёнинг чуқурлиги эса 2,5 метрдан кам эмас эди.

Офицер ўз одамлари билан сув остига тушиб, одамларни юқорига чиқармоқчи бўлди. Аммо ҳеч ким "уйғонмади". Африка-

дан жўнаб кетди. Лекин кейинроқ юборилган бошқа вакиллар қишлоқ аҳли соғ-саломат эканлигини кўришди. Улардан тўлиқ йиғиб олинган солиқ ҳам бу ҳақиқат эканлигини яққол тасдиқлаб турарди.

Сенегалда бўлиб қайтган кишилар ҳикоя қилиб берган яна бир халқ одатига тўхталсак. Дарё қирғоғига яқин жойда талайгина қайиқлар тўлқинда тебранарди. Балиқчилар биринкетин денгиз моллюскалари ва денгиз қисқичбақалар солинган саватларни сувдан тортиб олишарди. Сувнинг тубида эса худди ҳеч нар-



МҲЙНА ТЕЛПАК

Ҳажвия

Ўтган кузда хотиним мўйна телпак олганди. Жуда қиммат телпак. Биринчи марта уни ойна олдида кийиб кўргач, ишхонасидагиларга мақтанишга қарор қилди. Ўша куни кечки сменада ишлар эди. Барча аёллар кийиб кўришибди, ҳаммасига лойиқ келибди ва роса мақташибди. Хотиним мақтовлардан бахтиёр экан. Мўйна ва телпак ҳақидаги гаплар смена охиригача тугамабди. Бир аёл эса бундай қиммат нарсаларни ечиб олишларини гапирибди ҳамда бир неча ми-

соллар келтирибди. Мана, смена ҳам тугабди ва ҳамма уйга шошилибди. Дарвозадан чиқадилар. Атроф қоронғу, қор юзкузга урилади. Барча тарқалади. Хотиним эса ёлғиз қолади, у троллейбус бекатига кўприкдан ўтиши лозим эди. Мана, у телпак боғичини бўйнидан ўтказганча бошини эгиб кўприкдан ўтиб боряпти. Тўсатдан орқасидан келаётган кишининг оғир қадамларини эшитади. Кўрқувга тушади. “Босқинчи бўлса-чи” – ўйлайди у, ўғрилиқлар, одам ўлдиришлар ҳақидаги даҳшатли воқеалар эсига тушиб. Қадамни тезлаштиради-да, орқасига қарашдан кўрқиб, кулоқ болади. Орқасидаги одам ҳам тезлашгандай бўлади.

Кўприкдан кейин троллейбус бекати келар эди. Қор пардаси ортидан троллейбуснинг чироқлари кўринади. У троллейбус қаршисига чопади, босқинчи уни қувиб келаётганини

аниқ эшитади. Мана, интиқиб кутган бекат. Хотиним сирганиб кетади ва орқаси билан босқинчининг устига йқилади. Телпаги бошидан учиб кетади. Ортидан югурган одам ҳам хотинининг ёнига гупиллаб йқилади. Ҳаммаси шунчалик кутилмаганда юз берадики, хотиним ҳеч балони тушунмайди, қўли билан атрофни пай-

А. САМУСЕНКО

паслаб телпагини топади, сакраб туриб ўзини троллейбус эшигига уради. Эшик ёпилади.

Қоронғу ва қор ёғиб тургани учун ҳайдовчи орқасида нима бўлаётганини кўрмайди, шекилли, троллейбус юриб кетади. Хотиним қалтираганча телпагини кияди ва беихтиёр орқа деразадан қарайди. Троллейбус ортидан семиз, телпакал одам чопиб келаётганмиш. У қўлини силтаганча алланималар деб бақирар, аммо троллейбус тобора тезлаб бораркан. Бояги одам кичрая-кичрая охири қор пардаси ичида гойиб бўлибди. Хотиним тинчланиб ўриндиққа ўтирибди ва шундагина йўловчиларнинг ўзига қаратилган ҳайратли нигоҳини сезибди. Телпагим қизиқтираётган бўлса керак, деб ўйлаб ойна томон бурилиб олибди.

Хотиним уйга ҳаяжонда кириб келди. Нафаси оғзига тиқилиб, кўзлари олайганча дудуқланиб босқинчи ҳақида гапира бошлади. Бизникида эса дўстларим бўлиб, пиво ичиб ўтирардик. Улар хотинимга қараб кулардилар. У эса қўлларини силтаб, воқеани майда-чўйдасигача ҳикоя қиларди. Шундагина унинг узукюлуқ ҳикоясида қизиқ нарса бўлмаса ҳам улар нима учун кулаётганини тушундим ва мен ҳам хахлаб юбордим. Ҳеч балони англамаган хотиним жимиб қолди-да, даҳлиздаги кўзгу қаршисига чопди. Кўзгуда эса... бошига қимматбаҳо эркалар телпаги кийганини кўрди. Ўзиники боғлоқлик ҳолда орқасида осилиб турарди.

О. ФАРМОН таржимаси.

Парашютдан сакраган курсант йўриқчининг ёнига бориб деди:

– “Курсант Султонов парашютдан икки марта сакради”, деб ёзиб қўйинг.
– Сиз фақат бир марта сакраган бўлсангиз, қанақа қилиб икки марта деб ёзаман?

– Гапингиз тўғри. Аммо бу менинг дастлабки ва сўнгги сакрашим-да...



НД 2002

А. ҲАКИМОВ чизган расм.

БИЛАСИЗМИ?

Маълумотларга қараганда, нон бундан 16 минг йил муқаддам, яъни инсон галла етиштира бошлаган даврда пайдо бўлган экан.

Қадимги аждодларимиз аввалига донни хомлигича истеъмол қилишган. Кейин уни икки тош ўртасида эзиб-янчиш ва сув билан аралаштиришни ўрганишган. Кейинроқ эса оловда пиширилган хамир мазалироқ бўлишини пайқашган.

Орадан кўп минг йиллар ўтиб, қадимги Мисрда биринчи марта оширилган хамирдан фойдаланиш расм бўлган. Кейинчалик нон ёпиш санъати мисрликлардан юнонлар ва римликларга ўтган.

Бундан икки минг йил илгари қадимги Римда бир неча катта новвойхоналар бунёд этилган. Уста новвой шарафига ҳайкал ўрнатилган бўлиб,

бу обида ҳозирги кунларга қадар сақланиб қолган. Ўзбек пазандачилигида нонлар тайёрланиш технологиясига қараб оби, гижда, патир, ширмой,

лочира, малла каби жуда кўп турларга эга. Уларнинг ҳар бири тури кўриниши, таъми, тайёрланиш жараёни билан бир-биридан фарқланади.

Тандирда нон пишириш бўйича мамлакатимизда Самарқанд мактаби етакчи ўринлардан бирида туради.

А. ҒУЛОМОВ тайёрлади.



Далия йўқ	Торт беазаги	«Қўндаланг» катталик	Мева
			Арина Родионовна
	Шоҳматдаги энг кучли дон	Рўза пайтидаги хайр-эхсон	Кўркам
		Намозга чақирув	Кўрсатиш оямоши
	«Титаник»	Аччиғи тез	Судья (эск.)
			Ким бай элемент
	Дарс		Вьетнам чақаси
		Реклама	Ини
Тескари, хилоф	Ўринали		Йилнинг ун иккидан бири
		Ем	Сўз
Гина-кудурат	Сезги, туйғу		...-жонми
		Шартли боғловчи	Мен кўпаянда
			Хазина-бон
Омма	Учувчи (эск)		Қизил, қирғиз
		Сод	Кўрсатиш оямоши
Чироқли хуш кўрувчи мажлук	Одат		Соҳта башорат
			Бекор сарф-харажат
Ироқи		Сичконинг минг тангалик манзили	Қолаик-лардан бири
			Боғловчи
	Лажаа		Инглиз актрисаси
	Юрт, дийр		... нахор
Бизнинг сайёра	Инсофли		

ХАНДАЛАР

Хотин эрига деди:

- Сизга айтадиган иккита гапим бор. Улардан бири яхши гап, иккинчиси ёмон. Қайси бирини аввал айтмай.
- Истаганингни.
Бўйига: 2. Адан. 4. Виза. 5. Турк. 6. "Тико". 9. Самара. 10. Машина. 11. Компас. 12. Словян. 16. Сули. 17. Адир. 19. Америка. 20. Олмалиқ. 21. Яхшилик. 22. Сумалак. 25. Чита. 26. Самарқанд. 27. Туркистон. 28. Галлаорол. 29. Қорақамиш. 30. НАТО. 37. Икар. 38. Ирок. 40. Тошкент. 41. Эфиопия. 42. Минерал. 43. Тозалик. 46. Узум. 47. Ангрел. 48. Чегара. 49. Байроқ. 50. "Сангам". 51. Олот. 56. Асал. 58. Орол. 59. Шарт. 60. Чили.

Кунлардан бир кун...

БЕТОНМИ, Ё БИДОН



Жиноят-қидирув бўлимининг, гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича тезкор вакили хонасидаман.

— Катта миқдорда героин олиб ўтаётган аёл ушланибди, — деди у. — Бу борадаги маълумотларни аниқлашга уриниб кўрамиз.

У телефонда коммутатор рақамини терди ва қайсидир вилоят ички ишлар бўлини масини улашни илтимос қилди. Сўнгра:

— Мен милиция майори фалончиевман, — дея ўзини таништириб, сўзида давом этди. — Ким билан гаплашаяпман. Ҳа, салом, ҳамкасб. Айтинг-чи, гиёҳфуруш аёлни кеча қўлга олдингларми? Гиёҳфуруш аёлни деяпман... Менга шу ҳақдаги маълумотларни берсангиз... ҳеч нарса эшитилмапти. Бизда алоқа яхши ишламайди-да... ёзиб олинг, — бош ирғади у менга. — А-ҳа, демек уч кило героин... Қаерга яширган деяпсиз? Йўғ-е... — у мен томонга ҳайрат билан қараб қўйди. Бироз ўйга толиб турди-да, кафти билан гўшак микрофонини беркитиб туриб деди: — Одамлар қанчалар устмон бўлиб кетишганини қаранг-а. У оғуни бетон орасига жойлаб, олиб ўтмоқчи бўлган экан.


— Қандай қилиб? — энди мен ҳайратимни яшира олмадим.

— Эҳтимол фишт шаклига келтиргандир... — бироз саросимага тушган тезкор ходим яна гўшакни қулоғига яқин олиб борди. — Сиз дўстим бирор нарсани янглиштирмаяпсизми ўзи? Бетонда олиб ўтмоқчи бўлгани ростми? Нима, иккитами?... — Сўхбатдошимнинг қошлари чимирилди. — Аёл бетондан иккита фишт тайёрлаган экан, — деди у менга қараб, кейин яна гўшакка қараб гапира бошлади: — Менга қаранг дўстим, кекса аёл шундай оғир юкни қандай олиб кетаётган экан. Қўлида? Бу тушунарли албатта... Фишлар сумкага солинган эканми? Нима? — Тезкор ходим оғир тин олиб, менга юзланди. — Ҳеч нарсага тушунмаяпман, энди у қандайдир қатиқ ҳақида гапираяпти... Олдинроқ шуни нега айтмадингиз?... — у телефонда яна бироз гаплашгач, хайрлашиб гўшакни жойига қўйди.

— Ёзинг, — деди у менга кулимсираб, — демек, бундай: кекса аёл целлофанга ўралган уч кило героинни иккита бидон идишдаги қатиқ ичига солиб олиб кетаётганда ушланган.

И. ВЛАДИМИРОВА.

O'nta farqni toping



12

ОШИНСЕНТОЛАМ

№19 (3443) 2002 йил 9 май

Кунлардан бир кун...

БЕТОНМИ, Ё БИДОН

Жиноят-қидирув бўлимининг, гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича тезкор вакили хонасидаман.

— Катта миқдорда героин олиб ўтаётган аёл ушланибди, — деди у. — Бу борадаги маълумотларни аниқлашга уриниб кўрамиз.

У телефонда коммутатор рақамини терди ва қайсидир вилоят ички ишлар бўлини масини улашни илтимос қилди. Сўнгра:

— Мен милиция майори фалончиевман, — дея ўзини таништириб, сўзида давом этди. — Ким билан гаплашаяпман. Ҳа, салом, ҳамкасб. Айтинг-чи, гиёҳфуруш аёлни кеча қўлга олдингларми? Гиёҳфуруш аёлни деяпман... Менга шу ҳақдаги маълумотларни берсангиз... ҳеч нарса эшитилмапти. Бизда алоқа яхши ишламайди-да... ёзиб олинг, — бош ирғади у менга. — А-ҳа, демек уч кило героин... Қаерга яширган деяпсиз? Йўғ-е... — у мен томонга ҳайрат билан қараб қўйди. Бироз ўйга толиб турди-да, кафти билан гўшак микрофонини беркитиб туриб деди: — Одамлар қанчалар устмон бўлиб кетишганини қаранг-а. У оғуни бетон орасига жойлаб, олиб ўтмоқчи бўлган экан.

— Қандай қилиб? — энди мен ҳайратимни яшира олмадим.

— Эҳтимол фишт шаклига келтиргандир... — бироз саросимага тушган тезкор ходим яна гўшакни қулоғига яқин олиб борди. — Сиз дўстим бирор нарсани янглиштирмаяпсизми ўзи? Бетонда олиб ўтмоқчи бўлгани ростми? Нима, иккитами?... — Сўхбатдошимнинг қошлари чимирилди. — Аёл бетондан иккита фишт тайёрлаган экан, — деди у менга қараб, кейин яна гўшакка қараб гапира бошлади: — Менга қаранг дўстим, кекса аёл шундай оғир юкни қандай олиб кетаётган экан. Қўлида? Бу тушунарли албатта... Фишлар сумкага солинган эканми? Нима? — Тезкор ходим оғир тин олиб, менга юзланди. — Ҳеч нарсага тушунмаяпман, энди у қандайдир қатиқ ҳақида гапираяпти... Олдинроқ шуни нега айтмадингиз?... — у телефонда яна бироз гаплашгач, хайрлашиб гўшакни жойига қўйди.

— Ёзинг, — деди у менга кулимсираб, — демек, бундай: кекса аёл целлофанга ўралган уч кило героинни иккита бидон идишдаги қатиқ ичига солиб олиб кетаётганда ушланган.

И. ВЛАДИМИРОВА.

O'nta farqni toping

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ЙЎЛИДА

ЯРАШГАНГА НИМА ЕТСИН!

Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси материаллари ички ишлар идораларида кенг ўрганилиб, ҳаётга татбиқ этиляпти. Тошкент тумани ИИБда ўтказилган навбатдаги Маърифат дарсида ҳам ана шу масалга эътибор қаратилгани фикримизнинг далилидир.

ДОЛЗАРЪ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Унда туман маънавият маркази ташвиқот гуруҳининг раҳбари, фалсафа фанлари номзоди, доцент У. Бозоров Президентимизнинг сессиядаги “Янгиликлар ва ўзгаришлар жараёни ортага қайтмайди” мавзусидаги маърузаси бўйича ўз мулоҳазаларини билдирди. Нотик, айниқса шу йил 27 январь куни бўлиб ўтган референдумда халқимизнинг мамлакат келажигига билдирган ишончи, шунингдек сессиядан сўнг қабул қилинган “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг моҳияти ва аҳамияти хусусида кенг тўхталди.

А. ДАМИНОВ.

Тергов бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги Ш. Раҳимов ҳузурига йиғилганлардан бири, кўринишидан бадавлат одам салмоқ билан гап бошлади:

— Энди, ўртоқ бошлиқ, бизни яраштираман деб овоз бўлманг. Қизимизни папалаб катта қилганмиз. Тақдир экан, “бир-бирини севибди” деб ноилоҳ шу йигитга берган эдик. Бу — куёв қизимни бошига ит кунини солсин, ота-онаси хоҳлаганча ҳўрласин, дегани эмас. Урдими, тамом. Қизим эридан ажрашади. Аризам бўйича айбдорга қонуний чора кўрасиз.

Шавкат Оллоёрович ҳужжатларни яна бир бор кўздан кечирди: оилавий низо. Эрхотин орасида келишмовчилик чиқиб, куёв келинни ураётганда қайнотаси келиб қолган. У қизининг норозиликка қарамай, уйига олиб кетади. Энди милицияга арз қилиб, зўравон куёвни жавобгарликка тортишни талаб қилмоқда. Қудалар орага тушиб, ўғиллари туфайли қайта-қайта кечирим сўрашапти. Қизи “эрим қўл кўтаришига ўзим сабабчман, у би-

лан ажрашиб икки боламан отасиз қилмайман”, — деб ялинади. Ота эса “унда эринг ота-онасидан кечиб, сен билан чиқиб кетади. Уй олиб бераман, алоҳида яшайсанлар” деб туриб олади. Куёв “ота-онамдан кечмайман”, дейди. Хуллас, маҳалла фуқаролар йиғини, яраштириш комиссияси ва профилактика инспектори ҳал қилолмаган ушбу муаммо туман ИИБ тергов бўлимига ҳавола этилган эди.

— Фаолиятимизда бундай низоли масалалар тез-тез учраб туради, — дейди Шавкат Оллоёрович. — Бироқ биз улар устидан тергов юритиб, “иш”ни судга оширишга шошилмаймиз. Сабаби, қонунларимизнинг либераллашуви муносабати билан Ўзбекистон Республикаси — Жиноят кодексига янги 66-модда қўшилиб, жазо тайинланиши замон талабига мослаштирилиб, дунёдаги ривожланган мамлакатлар қонунчилиги даражасига етказилди. Юқоридаги воқеа юзасидан эрга нисбатан жиноят-иши қўзғатилар ва у қилмишига яраша жазо

оларди. Лекин масалага инсонийлик юзасидан қаралганда (куёвнинг айбини оқламаймиз, албатта), куёв жазога тортилди, дейлик. Кейин бу оилада ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, илиқлик бўладими? Йўқ, албатта.

Қонунчиликдаги ислохотлар ҳар бир “иш”га инсонийлик нуқтаи назаридан ёндошиб, ҳар томонлама мулоҳаза юритиш, “етти ўлчаб, бир кесиш”га ундамоқда. Бу эса тасодифан ҳуқуқбузарлик содир этиб, қилмишига сидқидилдан пушаймон бўлган, қарамоғида кекса ота-онаси, ёш фарзандлари бор, саломатлиги ночор кишиларга енгилроқ жазо бериш, яраштириш, жамоатчилик кафилиги, гаров каби чоралар қўллаш имконини бермоқда. Дарвоқе, юқоридаги низода Ш. Раҳимов куёвнинг бундан кейин келинга қўл кўтармаслигига кафил бўлди. Қудалар ярашишди. Ёш оила сақлаб қолинди. Орадан бир неча кун ўтиб, қизнинг отаси атайлаб келиб, миннатдорчилик билдириб кетди.

— Ходимларимиз А. Навоий номли, “Ўрикзор”, “Богистон” каби маҳаллаларда, шунингдек мактабларда тез-тез учрашувлар ўтказиб туришади, — дейди тергов бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Ф. Муҳсинов. — Чунки қонунчиликдаги янгиликларни амалда қўллаш билан бирга уларни фуқароларга етказишимиз шарт. Учрашувлар қизиқарли, савол-жавобларга бой бўлади. Фуқаролар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб оладилар. Мақсадимиз, уларнинг ҳуқуқий билимини оширишдан иборат.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг асосий вазифалари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш орқали мамлакатимизда тинчлик, осойишталикни таъминлаш, қонун устуворлигига эришишдир. Пойтахтимиздаги А. Икромов тумани ИИБ тергов бўлими ходимлари бу вазифани аъло даражада ушлаб, кўнгилдагидек натижаларга эришишапти.

Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА.

ЯГОНА ТАЛАБ

Ҳуқуқий-демократик ислохотларни амалга ошириш ички ишлар ходимлари зиммаларига ҳам катта масъулият юклайди. Бугунги одамлар кечагилардан ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши билан фарқ қилади. Шундай бўлиши ҳам керак. Айни пайтда бугунги ички ишлар ходими ҳам кечагидан ўз билимининг чуқурлиги, касб маданиятининг юқорилиги билан фарқланиши лозим. Бу ўқиш, ўз устида изланиш дегани.

Сир эмас, бозор иқтисодига ўтиш даврида жиноятлар сони, тури, шакли-шамойили кўпаяди. Уларга қарши муваффақиятли курашиш учун давр билан ҳамқадам бўлиш даркор. Ички ишлар идоралари фаолиятини ислоҳ қилишдан кўзланган мақсад уларни халқ билан янада яқинлаштириш, хизмат самарасини ошириш эди.

Ҳамма масалани кадрлар ҳал қилади деган гап бор. Яъни, ходимлар қанчалик тўғри танланиб, жой-жойига қўйилса, самара ҳам шунчалик юқори бўлади. Бухоро вилояти ИИБда бўш лавозимларни малакали мутахассислар билан жамлаш мувофиқлаштириш комиссиялари билан бамаъна амалга ошириляпти. Шу пайтгача ислоҳ қилинган профилактика, йўл ҳаракати хавфсизлиги, тергов каби қатор хизматлар ўз соҳасини яхши биладиган кадрлар билан тўла жамланган.

Маълумки, милициянинг соҳаси, вазифаси кўп. Бир хизматдан бошқасига янги ўтган ходимни, албатта ўқув марказимизда ўқитамиз. Токи олдида қўйиладиган талабларни яхши билсин, қоқилмасин. Ўтган йили 200 дан ошди профилактика инспекторлари, юзга яқин тезкор ходимлар, 115 нафар ИПХ нозирлари бир ойлик қайта тайёрлов курсларини тугатишди.

Бу йил ҳам мазкур йўналишдаги ишлар жадал давом этапти. Ҳозирда жами икки юзга яқин ходим турли соҳалар бўйича қайта тайёргарликдан ўтгапти. Ўқув марказимиз тўла таъмирдан чиқарилди. Бу ерда барча ўқув хоналари замон талаби даражасида жиҳозланган. Спорт майдончасида жисмоний тайёргарлик машғулотлари учун зарур барча қуролма ва иншоотлар бор.

Ўқув жараёни қанчалик амалиёт билан боғлиқ

бўлса, унинг натижаси ҳам шунчалик яхши бўлади. Шу нуқтаи назардан маърузалар ўқишга, машғулотлар ўтишга хизмат бошлиқлари, уларнинг ўринбосарларини ҳам жалб этаймиз.

Раҳбар киши ўз ходимларига жанговар ва хизмат тайёргарлиги бўйича ҳам намуна бўлиши лозим. Чунки киши бошқалардан талаб қилишдан аввал ўзидан бошлаши керак. Шу сабабли раҳбарлик лавозимларига номзод танлашда уларнинг билимдан ташқари жисмоний ва отиш тайёргарлиги бўйича ўқув ва кўникмаларига ҳам алоҳида эътибор бериляпти.

Ҳаёт бир жойда турмайди. Қонунларимизга ўзгартишлар киритилляпти. Янги қарорлар, буйруқлар чиқаяпти. Замон ўзгариляпти, янгиликлар пайдо бўляпти. Ундан орқанда қолмаслик учун ходимларимиз малакасини мунтазам ошириб турибмиз. Вазирлик Академияси ма-



лака ошириш курсларида тахсил олиб қайтган кадрларимиз сони тобора ортапти.

Таълим узлуксиз бўлиши керак. Айниқса, ички ишлар тизимида. Фақат қайта тайёрлаш, малака ошириш курсларида, таълим муассасаларида олинган билимнинг ўзи етарли эмас. Ходим вазифасини сифатли бажариш учун кундалик янгиликлардан, мамлакатимиз ҳаётидаги, қонунчилигимиздаги ўзгаришлардан бохабар бўлиши лозим. Унинг руҳий, жисмоний тайёргарлиги, қолаверса, ўқотар қуроллардан тўғри, маҳорат билан

фойдалана билиши ҳам муҳим. Катъий режа асосида ўтказиладиган ўқув машғулотларида буларнинг барчасини назарда тутамиз.

Милиция ходими ҳамisha халқнинг кўз ўнгиди. Унинг фазилати ҳам, қусури ҳам тез кўзга ташланади. Сафимизга қабул қилинган ёшларни тарбиялаш, албатта, бурчимиз. Бу борада фахрийларимиз, тажрибали мутахассисларимиз бош, мураббий бўлиб, катта, салмоқли ишларни амалга ошириляптилар. Аммо аксар кишига ота-онасининг таъсири бошқалардан кучлироқ бўлади. Бундан ташқ-

ари, ходимнинг руҳиятига, иш самарадорлигига оилавий аҳволи ҳам таъсир этади. Шу сабабли фахрийларимиз ҳар бир ходимнинг уйига бориб яшаш шароити, маҳалласидаги хулқ-атвори, ҳатто фарзандларининг мактабда қандай ўқиши билан ҳам қизиқяптилар. Шахсий таркибни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида кўп болали, ёрдамга эҳтиёж сезган ходимларнинг болаларига бепул ўқув қуроллари, дарсликлар берилди.

Вилоят ИИБ бошлиғининг буйруғи билан ходимларнинг ота-оналари кенгаши низоми тасдиқланди. Мақсад осойишталик посбонларини янада маънан камол топтиришда, уларнинг ота-оналари, яқин қариндошлари таъсиридан ҳам фойдаланиш.

Бошқармамиз маъмурий биноси тўла таъмирдан чиқарилиш арафасида. Хизмат хоналари компьютерлаштирилган. Иш фаолияти учун зарур жиҳозлар, мебеллар харид қилинляпти. Ходимларимиз ҳар қадамда ҳам ғамхўрлик, ҳам талабчанликни ҳис этишляпти. Талаб эса маълум — хизмат вазифасини сидқидилдан бажариш.

Ҳ. МАХСУМОВ,
милиция майори.

Суратда: ўқув машғулотида лавҳа.

... Пайшанбадан

пайшанбагача...

НИҚОБ ЙИРТИЛДИ

Пойтахтнинг Ҳамза туманида яшовчи А. Сербунинг уйига юзига ниқоб кийган номаълум шахс бостириб кирди. У уй эгасини пичоқ ўқталиб қўрқитиб пул таллаб қилди. Бироқ хонадон соҳибаси қўтарган шовқин-сурондан қўрқиб кетган боқинчи қочиб қолди. Ушбу воқеадан хабар топган милиция ходимлари зудлик билан ишга киришиб айбдорни қўлга олишга муваффақ бўлдилар. У Юнусобод туманида яшовчи О. Ц. экан.

ТАЛОНЧИ

Чилонзор туманида соат 17.30 да С. Левичнинг қўлидан ичида 8000 сўм пули бўлган сумкасини номаълум кимса олиб қочди. Қўрилган чоралар натижасида талончи қўлга олинди. У ҳеч қаерда ишламайдиган, 1981 йилда туғилган Е. Я. бўлиб чиқди.

ҚОТИЛ ЭР

Ангрен шаҳридан оқиб ўтувчи Қорабоғсойдан 30-35 ёшлардаги аёл кишининг жасади топилди. Тезкор ходимлар авваломбор унинг шахсини аниқладилар. Кейин эса қотилни топишди. У бегона эмас, марҳуманинг турмуш ўртоғи, 1960 йилда туғилган И. А. экан.

ЗЎРАВОН

Оҳангарон тумани 4-миттитуман 22-уй олдида номаълум шахс шу ҳудудда яшовчи М. Усмоновага нисбатан куч ишлатиш йўли билан қўрқитиб, бўйнидаги тилла тақинчоқ, ёнидаги 4000 сўм пул ва фуқаролик паспортини тортиб олган. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида зўравон — ҳеч қаерда ишламайдиган А. В. тузоққа олинди.

“ЖИГУЛИ” ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Фазалкент шаҳрида яшовчи Р. Аҳмедов ички ишлар ходимларига мурожаат қилиб, номаълум кимсалар уйи олдидаги гаражнинг эшигини бузиб, у ердаги “Жигули”ни ўғирлаб кетишганини маълум қилди. Қидирув бошланди. Энг муҳими автомашина ўғриси яширинишига имкон бермаслик ва жиноятни иссиғида очиш лозим эди. Шундай бўлди ҳам. Кўп вақт ўтмай Т. Ю., Х. С. ва А. Қ. ларнинг қилмишлари фош этилди. Автомашина ўз эгасига соз ҳолда қайтарилди.

УРГУТЛИК ГИЁҲФУРУШ

Боғишамол туманида тезкор ходимлар томонидан тadbир ўтказилди. Унда уруглик 43 ёшли З. К. бир килограммга яқин қоралорини 4.100 АҚШ долларига сотаётган вақтида қўлга олинди.

ОЛТИ СОАТДА ОЧИЛДИ

Қўқон шаҳрида 08 дан 10 дақиқа ўтганда номаълум шахс 10-автокорхона олдида “Ўзавтотранс” бирлашмаси ҳайдовчиси С. Ҳайитовга бириктирилган “КамАЗ-5329” русумли автомашинани ҳайдаб қочган эди. Соат 14.00 да ўғри ушланди. У Тошкент вилоятининг Тўйтепа шаҳрида яшовчи Т. У. экан.

И. МИНАВАРОВ,
республика ИИБ
Матбуот маркази ходими,
милиция майори.

**ҲАМ СИРДОШ,
ҲАМ КЎМАКДОШ**

Милиция майори Инобат опа Нуриддинова энди уйга кетишга чоғланганда эшик очилиб бир аёл кириб келди.

— Келинг, нега хомушсиз, тинчликми? — деб сўради Инобат опа салом-алиқдан кейин.

— Уйда тилла тақинчоқларим йўқолиб қолди, кимдир ўғирлаган, — деди аёл кўзига ёш олиб.

— Қўйган жойингизни биров билармиди? — сўради милиция ходимаси.

— Ўғлим биларди...

Ясан-тусанни ўрнига қўйиб, тилла тақинчоқларини кўз-кўз қилиб юрган бу аёлнинг ўғлини кўрган Инобат опа ҳайратга тушди. Сочлари ўсган, кийимлари кир, яқин орада ҳаммомга тушмаганлиги кўриниб турган бола умуман қаровсиз аҳволда эди.

— Нега ойингизнинг тақинчоқларини олдинг? — деб сўради ундан И. Нуриддинова.

— Ҳамма болалар музқаймоқ, ширин кулчалар ейди, уларга ҳавасим келади. Ойим эса менга пул бермайдилар. Шунинг учун тақинчоқларни сотмоқчи эдим, — деди бола. Кейин уларни қаерга беркитганини айтиб берди.

Найранг

Раҳимахон табиатан соддадил, ишонувчан. Унинг яна бир яхши фазилати шуки, турмуш ўртоғини ниҳоятда қадрлайди. Бу оилада ўзаро ҳурмат қарор топган. Фирибгар, илон ёғини ялаган Маҳмуда С. ана шу ҳолатдан фойдаланмоқчи бўлди. Кунларнинг бирида Раҳимахоннинг турмуш ўртоғи хизмат сафарига кетганини билиб, айёрлик билан иш тутди.

— Эрингизнинг ёнидан келдим, — дейди у. — Менга пул бериб юборар экансиз.

Раҳимахон бу ёлғонга чиппачин ишонди. Ўша кунни унинг шахси кимлигини сўраб-суриш-тирмасдан 2570 АҚШ долларини

— Ўзингизга зеб беришни ўйлабсиз-у, болани эсдан чиқарибсиз-да, — деди Инобат опа эртасига аёлни чақириб. — Одамлар савоб учун етимларни боқиб, ясангириб кўяди. Жигаргўшангизнинг аҳволини қаранг.

— Отаси йўқ, қийналиб кетдим, — деди аёл ўзини бечора-ҳол кўрсатмоқчи бўлиб.

— Қўша-қўша тилла тақинчоқлар, қимматбаҳо кўйлақларга пул топибсиз-ку, — деди Инобат опа кескин тарзда.

Аёл роса изза бўлди, ўғлига жиддий эътибор беришни ваъда қилиб, хонадан чиқиб кетди.

Инобат опа Нуриддинова бу воқеани тез-тез эслаб туради. У ўттиз йилдан ортиқ вояга етмаганлар билан ишлаш инспекциясида хизмат қилди. Уни пойтахтдагилар, айниқса эски шаҳар ҳудудида яшовчилар яхши танишади. Аёллар орасида камчиликка насиб этадиган милиция формасида юрганида, унга ҳавас қилишарди.

И. Нуриддинова милиция подполковниги унвонида истеъфога чиққандан кейин уйда бекор ўтира олмади. Ўзи истиқомат қиладиган “Исломобод” маҳалласида жамоат ишларида



қатнашиб юрди. Маҳалладошлари уни хотин-қизлар кўмитасига раис этиб сайлашди.

— Инобат опанинг аёлларимиз орасида олиб бораётган ишларидан мамнунмиз, — деди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эркин Қосимов. — Кейинги пайтда оилаларда жанжаллар, келишмовчиликларнинг камайишида у кишининг катта ҳиссаси бор. Ҳар бир аёл билан алоҳида суҳбат ўтказиб, тўғри йўлга солаётганлари боис шу ютуққа эришяпмиз.

Бугун умрини эл ишига бахшида этган аёл ким билан суҳбатлашмасин аввало болаларни сўрайди.

— Дўмбоқчаларнинг яйраб юрганини кўрсам, ёшаргандай бўламан. Инсон болаларидан кўнгли тинч бўлса, бемалол ишлай олади, меҳнатидан унум бўлади, — дейди Инобат опа. — Фарзандларини тирик етим қилганларни эшитсам, кўрсам нафратим кўзгайди.

С. ШАМСИДДИНОВ.

ТОВЛАМАЧИ АЁЛ

ни бериб юборди. Яхши ҳамки у Маҳмудахондан пул олганлиги ҳақида тилхат ёздириб олган эди.

Бундан ташқари фирибгар аёл Избоскан тумани Пойтуғ шаҳрида яшовчи К. Абдуқаҳҳорнинг ишончини суистеъмол қилди. Унинг ҳар бири 3200 сўм бўлган 412 дона (жами 1 миллион 318 минг 400 сўм) рўмолини ўн кун ичида сотиб бериш шарти билан олиб, узоқ вақт кўзга кўринмай юрди. Шунингдек, Андижон шаҳар 1-кичик даҳада истиқомат қилувчи М. Шокировани ҳам алдаб кетди. Яъни, ундан 720 АҚШ долларини ва тилла занжирини

олиб, қайтариб бермасдан қочиб юрди. Яна у асакалик Ш. Раззоқованинг кўнглига йўл топиб, унга ҳам хиёнат қилди. Маҳмудахон 234 минг сўмлик болалар кийим-кечагини сотиб беришга ваъда қилиб олди-да, шу-шу Асакада кўзга кўринмай қўйди.

Фуқароларнинг мурожаати ва милиция, прокуратура аралашувидан кейин товламачи Маҳмуда С. қидириб топилди.

Ҳа, ёлғоннинг умри қисқа. Бизнинг тинч, осойишта ҳаётимизда меҳнатсиз даромад топмоқчи бўлганларга асло ўрин йўқ.

Б. КЛЕЙМАН.

Қашқадарё вилояти ИИБ хабарлари**ҚОТИЛ ЖИЯН**

“Чорвадор” жамоа ширкат хўжалигида яшовчи Ш. Д. амакиси Ж. Д. билан арзимаган нарса устида тортишиб қолди. Жазавага тушган Ш. ўзини идора қилишни унутди. Қўлига тушган таёқ билан амакисининг дуч келган жойига тушира бошлади. Калтак зарбидан Э. воқеа жойида вафот этди. Чирокчи тумани ИИБ ходимлари зўравонни қўлга олдилар.

НАФС БАЛОСИ

Нишон туманида яшовчи пенсионер О. У. нафс талвасасига тушиб қолди. У 805 грамм героинни 13 минг АҚШ долларига пуллаётганда милиция ходимлари қўйган тузоққа олинди. О. У. ҳар қанча баҳона

қидирмасин, важи “тош босмади”. Таркибида гиёҳвандлик моддаси бор ўсимликларни ўстирувчи шахслар ҳам учраб турибди. Шундайлардан бири Яккабоғ туманида яшовчи Б. Р. дир. Милиция ходимлари унинг ҳовлисида ўсаётган 30 туп кўкнори ва 1 туп марихуана ўсимлигини ўриб, йўқ қилишди.

**ЧАҚИРИЛМАГАН
МЕҲМОННИНГ НАҒМАСИ**

Альфия Шабаева кўча эшикни очган эди нотаниш кимса илжайиб турганини кўрди. Уйга кириб, деб юборганини сезмай қолди. Аммо у хонадонга кириши билан Альфиянинг юраги орқага тортиди. Шу боис “меҳмон”дан кетишни талаб қила бошлади. Лекин кимса ёнидан пичоқни олиб уй соҳи-

басига пўписа қилди. Қўрқитиб қулоғидаги бир жуфт сариқ металлдан ясалган зиракни тортиб олдию ортига қайтди. Альфия Шабаева дарҳол Қарш шаҳар ички ишлар бўлимига мурожаат қилди. Олиб борилган тезкор тadbирлар натижасида боқинчилик жиноятини Ю. П. содир этгани аниқланиб, ушланди.

БОШ ЭГИБ ҚОЛДИ

Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда ўтказиш қатъий тақиқланган. Шунга қарамай гузорлик Б. Ш. “Нодир” хусусий дорихонасида 6 дона тилла тангани мижозга 870 минг сўмга сотмоқчи бўлди. У милиция ходимлари томонидан қўлга олинди. Б. Ш.га бош эгишдан бошқа чора топмади.

Ў. ҲАЙДАРОВ.

...Шундайлар бўлмаса агар дунёда,
Бу қадар муҳтарам бўлмасди, аёл!

Абдулла ОРИПОВ.

Уруш одамни тез улгайтираркан. Отам фронтга кетганларида беш ёшли қизалоқ эдим. Худди кечагидек эсимда. Дарвозага

Бизни боқиш учун тиришиб-тирмашдилар. Умрлари далада, қора меҳнатнинг тагида ўтди. Биз ҳам бўйимиз сал чўзили-

гим тушарди. Бошқалар кўча-кўйда, отасининг бўйнига осилиб эркаланганида ичимдан зил кетиб эзилганларим ёдимга тушарди.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Кўшнимиз бир оёғидан яраланиб урушдан қайтган эди.

мас соғинчлар бўлади. Ҳали-ҳануз отамни кўмсайман, тушларимда уни эслаб, кутиб йиғлаб чиқаман. Бу меҳрларига, дийдорларига тўймаганимдан бўлса керак. Сизларга ёлғон, ўзимга чин. Бўлмасам ўғил-қизларим уйли-

ҚАЛБДАГИ ҚУЁШ



етганларида бувим раҳматли "Тўхта, болам!" дедилару уйга кириб кетдилар. Бир пайт зоғора кулча олиб чиқдилар. "Тишлаб бер. Насибанг тортиб қайтиб келсан!" дедилар.

Шу кулча уйимизда узоқ йиллар осиелик турди. Очарчилик маҳаллари унга тикилиб турганимни пайқаб бувим: "У отангни насибаси, қизим. Қайтиб келсин, сенларни ширмой кулчаларга тўйғизади" дердилар. Аммо отам қайтмадилар. Уруш охирларида қорахат келди. Бувим ишонмадилар, қолган умрлари йўл қараб ўтди. Тиқ этса эшикка қарардилар.

Укам иккимизни бағриларига босиб қолган онам бошқа турмуш қурмадилар.

ши билан уларнинг қаватларига кирдик. Мактабдан келишимиз ҳамано пахтазорга чиқиб кетардик. Ҳозирги болаларга ўхшаб кўча тўлдириб ўйин-кулгу қилиш қаёқда дейсиз.


Йиллар оқар сувдек ўтаверар экан. Пайти келиб мен турмушга чиқдим, укам уйланди. Фарзандларимиз туғилди. Онам неваралари билан овунгандай бўлдилар. Аммо ажин босган кўзларининг туб-тубидан мунг ҳеч кетмади-кетмади. Уруш йилларининг ёлғори бўлган зоғора кулча эса то укам уйни бузиб, янгитдан қургунича хона тўрида осилиб тураверди. Ҳар гал унга кўзим тушганида юрагим жиз этар, ёдимга шўхлик, шодлик нималигини билмай ўтган болали-

У якшанба кунлари оқсоқланиб бозорга бориб келганида болалари югуриб чиқишарди. Мен эса дарвозамиз олдида қараб қолардим. У киши аввал мени олдиларига чақириб, ҳовучимни тўлдириб парварда, қанд-курс берардилар. Сўнг болаларига улашардилар. Уйга кириб ўқиб-ўқиб йиғлардим. Томоғимга бир нима тикилгандай бўларди. "Қанийди, икки оёқларидан айрилиб бўлса ҳам отам тирик қайтганларида эди. Бозорга бормасалар ҳам, менга ширинлик олиб келмасалар ҳам майлиди" деб ўйлардим.

Ҳамма дарднинг давоси бор, дейишади. Ёлғон. Битмас дардлар, яралар ҳам бўлади. Адоғи кўрин-

жойли, бола-чақали бўлган. Невараларим бўй етиб келяпти.

... Кичик ўғлимнинг тўнғичи бир бошқачада. Шуни отам раҳматликка ўхшатаман. Илоё, умри ўхшамасин. Милицияда ишлайди. Аммо эгнида формасини кам кўраман. "Мундай шапкангни кийиб, пагонингни тақиб, ҳамманинг ҳавасини келтириб юрмайсанми?" десам кулади. "Бувижон, бизларнинг хизмат шунақа. Формани байрамларда киямиз" дейди. Эрталаб кетиб, кечаси алламаҳал қайтади. То остона ҳатлаб уйга киргунича кўзим илинмайди. Кела солиб аввал менинг олдимга киради. "Ҳалиям ухламай ўтирибсизми, бувижон?" дейди.



Гоҳи эрталаблари юзи тилинганини, кўзи кўкарганини кўриб қоламан. "Нима қилди, болам?" десам, кулиб: "Ҳеч нима, уриб олдим" дейди. Биламан, ишида орттирган. Аммо "Шу касбингни ташла" дейишга тилим бормайди. Ахир, ҳамманинг ҳам боласи ўзига азиз. Элнинг тинч-осойишталигини кимдир кўриқлаши керак-ку. Урушдан худо сақласин. Ўзимча шундай ўйлайман. Қаерда бўлмасин, неваранимни Яратганнинг ўзи асрасин дейман. Иншооллоҳ, асрагай.

Шу йил отпуссага чиққанида мени кўярда-кўймай Тошкентга олиб борди. Жуда азим, чиройли шаҳар экан. Кўчалари кенглиги, мошиналар кўплигини айтмай-сизми. Бу бири-бирдан чиройли, баланд, муҳташам иморатларни-ку кўяверасиз. Айлантариб Хотира майдонига ҳам олиб борди. Мотамсаро Она ҳайкалинини кўрдим. Бўгин-бўгинларим бўшашиб, тиззамдан мадор кетди, болам. Бу ахир ўша эшик тиқ этса кўчага югуриб чиққан, ўғлини кутиб умри ўтиб кетган бувим-ку! Бизга ўғай ота қўлига тушишни раво кўрмай, ўзига туликни раво кўрган онам-ку бу аёл! Ўша ерда қанча ўтирганимни билмайман. Бир пайт неварам,

"Юринг, буви, анови ерда бобомнинг ҳам исмлари битилган бўлса керак, кўрамиз" деди. Сўнг суяб бошлаб борди.

Эвоҳ! Минглаб, ўн минглаб исмлар битилган бўлса керак у лавҳаларда. Урушда шунча одам нобуд бўлганини ўйлаб юрагим орқага тортиб кетди. Илоё, номи ўчсин урушнинг.

Бир пайт неварам "Топдим, буви. Мана исм-шарифлари" деди. Юрагим ўйнаб кетди. Кўзим жимирлаб ўқий олмадим. Ёш ўлгур қуйилиб келаверди-келаверди. Неварамнинг бўйнига осилиб қанча йиғлаганимни билмайман. Бир пайт аллақандай енгил тортидим. Худди отамни топгандай бўлдим. Ростдан ҳам, у кишининг руҳи ўша кезде неваранимнинг боши устида чарх уриб турган бўлса, не ажаб. Манда, болаларимда яшаётгандир отаганимнинг руҳлари. Мана, эл-юрт унутмай, шундай табаррук жойларга номларини битиб қўйибди. Мангу тириклиги шу-да. Билганимча тиловат қилиб, дуога қўл очдим. Ҳаммага тинчлик-омонлик, тўрт кўз тугаллик тиладим. Бу кун ўша дуоларимни яна такрорлайман. Қани, сиз ҳам дуога қўл очинг, болаларим. Иншооллоҳ, тилакларим ижобат бўлгай.

Онахоннинг сўзларини оққа кўчирувчи Б. ТОШЕВ.

ЖАҲОНГИР ОИЛАСИГА ҚАЙТДИ

Шу сонга хабар

Ота-она учун энг ташвишли дамлар фарзанднинг бедарак кетган даври бўлса керак. Чунки бундай пайтда оиланинг барча аъзолари азият чекади, хузур-ҳаловати йўқолади. Ун яшар Жаҳонгир йўқолганда ҳам яқинлари қандай аҳволга тушганини тасаввур этиш қийин эмас.

Мен раҳбарлик қилаётган Фарғона вилояти ИИБ Қўқон шаҳар воёга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига қошқўзлари қора, истараси иссиққина болакай келтирилганда кўнглимдан ана шундай ўй ўтди. У ўзини Жаҳонгир Абдурахимов деб таништирди. Ота-онаси, яшаш жойи ҳақида аниқ маълумот беролмади. Бундай пайтда одатда жонимизга республика ИИБ Бирлашган таҳририяти "Постда" газетаси оро киради. Ўйлаб ўтирмай бола муассасамизда сақланаётгани ҳақида эълон бердик. Мазкур эълон газетанинг шу йил 28 март сонидан босилиб чиқди.

Орадан кўп вақт ўтмай Жаҳонгирдан хабар топган яқинлари муассасамизга кириб келишди. Улар қайта-қайта миннатдорчилик билдириб, болани олиб кетдилар. Шу тариқа Жаҳонгир Абдурахимов қисқа вақт ичида-яна оиласи бағрига қайтди.

Яқинлари қуршовида шодон болаётган болажоннинг ортидан ҳавас билан қараб қолар эканман, унинг топилишида "Постда" газетасининг роли катта бўлганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Айнан шу газета орқали биргина у эмас, қанчадан-қанча бедарак йўқолган бошқа болалар ўз оиласи, яқинлари бағрига қайтмоқда. Ана шундай хайрли ишга салмоқли ҳисса қўшаётган таҳририят ходимларига чуқур миннатдорчилик билдириб, уларга ижодий баркамоллик тилайман.

З. ҚОДИРОВ,
милиция майори.

2-3 май кунлари ИИБ Академиясида мамлакатимиз олий ўқув юртлири талабалари ўртасида ҳуқуқшунослик фанлари бўйича ўтказилган республика олимпиадасининг II босқичи бўлиб ўтди.

Унда олий маълумотли ҳуқуқшунос кадрлар тайёрланадиган Тошкент Давлат юридик институти, Ўзбекистон Миллий университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Андижон, Самарқанд, Бухоро Давлат университетлари

мусобақада иштирокчилар бор билим ва маҳоратларини ишга солиб беллашдилар. Олимпиада ғолиблари икки мезон – талабаларнинг ёзган иши (реферат) ва фанлар бўйича тест синовлари асосида аниқланди.

Натижа, айниқса ИИБ Академияси жамоаси учун қувончли бўлди. Зеро, ушбу билим даргоҳи республика талабалар олимпиадаси II босқичининг ғолиби деб топилди. Иккинчи ўринни Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда Тошкент Давлат юридик институти эгаллади. Учинчи ўрин эса Ўзбекистон Миллий университети, Наманган Давлат университетига насиб этди. Шунингдек, совриндор талабалар ҳам аниқланди.

Олимпиадада биринчи ўринни эгаллаган талаба магистратурага ўқишга имтиҳонларсиз қабул қилинадиган, шунингдек, олимпиадада қатнашган фанидан давлат имтиҳонларини топширишдан озод этиладиган бўлди.

Ж. ТУРСУНОВ,
милиция полковниги.

ОЛИМПИАДА ҒОЛИБЛАРИ

ри, Гулистон, Жиззах, Наманган, Навоий Давлат педагогика институти ва бошқа бир қанча олий ўқув юртлиридан 150 нафардан ортиқ иқтидорли талабалар иштирок этишди. Улар "Ҳуқуқшунослик ва мусулмон ҳуқуқи асослари", "Халқаро ҳуқуқ", "Фуқаролик ҳуқуқи", "Жиноят ҳуқуқи", "Конституциявий ҳуқуқ" йўналишлари бўйича ўзаро куч синашишди.

Республикамизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида олий ўқув юртлирида мутахассис кадрлар етиштириш сифатини юқори даражага кўтариш, талабаларнинг билим савияси ва ижодий қобилиятини ўстириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш мақсадида ташкил этилган ушбу

ти инспектори, милиция катта сержанти Р. Қодиров ҳамда Самарқанд вилояти ИИБ йўл-патруль хизмати инспектори, милиция сержанти Б. Норовларга насиб этди.

Умумжамоа ҳисобида хоразмликлар биринчи, Навоий вилояти вакиллари иккинчи, Тошкент шаҳар ИИББ йўл-патруль хизмати ходимлари эса учинчи ўринни эгалладилар.

Ғолиблар вилоят ИИБ Фахрий ёрлиқлари ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланишди.

М. НАВРЎЗАЛИЕВ,
милиция майори.

Суратларда: кўрик-танловдан лавҳалар.

Ж. ҚОЗОҚ
олган суратлар.

СОВРИНДОРЛАР АНИҚЛАНДИ

Хоразм вилоятида республика Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг касб маҳорати, жанговар ва жисмоний тайёргарлиги бўйича кўрик-танлов бўлиб ўтди. Иштирокчилар 100 ва 3000 метрга югуриш, турникда тортилиш, ўқ отиш, қўл жанги бўйича куч синашдилар. Хизмат соҳалари юзасидан тест саволларига берилган жавоблар умумлаштирилиб, ғолиблар аниқланди.



Шиддатли курашлар остида ўтган баҳсларда Зарафшон шаҳар ИИБ бўлинма бошлиғи, милиция капитани Улугбек Бекиев ҳамма шартларни аъло даражада бажариб, биринчи ўринни эгаллаш билан бирга рес-

публика ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг "Энг яхши ходими" деган унвонга сазовор бўлди. Хоразм вилояти ИИБ инспектори, милиция кичик сержанти Ж. Аҳмедов ва Тошкент вилояти ИИБ йўл-пат-



руль хизмати инспектори, милиция сержанти Р. Эргашевлар иккинчи ўринни эгаллашди. Учинчи ўрин эса Навоий вилояти ИИБ йўл

ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси катта инспектори, милиция катта лейтенанти Ў. Ҳамраев, Тошкент шаҳар ИИББ йўл-патруль хизма-



ИККИНЧИ ИСТЕЪДОД СОҲИБЛАРИ

Ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида иккинчи истеъдод эгаларини аниқлаш, уларда она юртга муҳаббат туйғуларини камол топтириш мақсадида ҳар йили "Ўзбекистон – кўшиқ байрами" кўрик-танлови ўтказиб келинади. Кўрик-танловнинг бу йилги вилоят босқичи ҳам кўтаринки руҳда ўтди.

Навоий шаҳридаги "Наврўз" ёш томошабинлар театрида ташкил қилинган бу тадбир милиционерлар орасида ҳам иккинчи истеъдод соҳиблари борлигини кўрсатди.

Айниқса, "Қалб фарёди" кўшиғини юксак маҳорат билан ижро этган Қизилтепа тумани ИИБ ходими, милиция сержанти Зафаржон Шамсиевнинг чиқиши барчага бирдай манзур бўлди. Ўзига хос ижро услуби, ўтли хониши билан у фахрли 1-ўринга сазовор бўлди. Шунингдек, юрт мадҳини ёниб куйлаган Учқудук тумани ИИБ терговчи-

си, милиция капитани Севгиддин Омонов ва йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ахборот-диспетчерлик хизмати навбатчи-ёрдамчиси, милиция сержанти Равшан Ботиров 2-ўрин, вилоят ИИБ ЭКБ эксперти, милиция катта лейтенанти Исроил Сафаров, Томди тумани ИИБ навбатчилик қисми катта навбатчиси, милиция катта лейтенанти Майрамбек Тулеков, пост-патруль хизмати бўлинмаси ходими, милиция сержанти Улугбек Хидиров ҳамда жазони ижро этиш бўлими ходими, ички хизмат кичик лейтенанти Бахтиёр

Неъматов 3-ўрин соҳиби бўлдилар.

Ғолиб кўшиқчи милиционерлар моддий ва маънавий рағбатлантирилди.

– Кўшиқни севган қалбда эзгулик яшайди, – дейди кўрик-танлов ҳайъати раиси, Навоий вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги К. Раҳматов. – Ўтказилган тадбир жараёнида эл-юрт осойишталиги йўлида хизмат қилаётган посбонларимиз қалбида санъатга, куй-кўшиққа бўлган меҳр, иштиёқни илғадиқ. Бу она-Ватанга, мустақил юртимизга бўлган чексиз муҳаббат ифодаси ҳамдир. Ишонч билан айтиш мумкинки, ўз юртини улуғлаган милиционер ходимлар унинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлида ҳам фидойилик кўрсатишга қодирдилар.

Н. РАҲИМОВА,
милиция катта лейтенанти.

Сирдарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби жиноят-қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси тезкор вакили, милиция майори **Акмал ИБРАГИМОВ**нинг фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Сайхунобод тумани ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби кўриқлаш бўлими ходими, милиция кичик сержанти **Қахрамон ЎРОЛОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Ургут тумани ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси катта инспектори, милиция капитани Ш. Кулиевга падари бузруквори **АБДУЛЛА отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Ургут тумани ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Ғиждувон кўргони милиция бўлинмаси навбатчиси, милиция катта лейтенанти Ф. Курбоновга падари бузруквори **САИДМУРОД отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Bosh muharrir v.b. Aleksandr VORGUDYAYEV

Bosh muharrir o'rinbosari v.b. **Murod TILLAYEV**

Mas'ul kotib **B. AZIMOV**
Navbatchi: **B. TOSHEV**
Musahhihlar: **M. AKRAMOVA**
G. XOLIQOVA

Sahifalovchi va dizayner: **A. MIRZAMUHAMEDOV**

TELEFONLAR:
Bosh muharrir o'rinbosari 139-75-69.
Mas'ul kotib 139-73-88.
muhbirlar bo'limi 139-75-69.
Buxgalter 139-75-37.
Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari bo'yicha murojaat uchun faks: 54-37-91
Tel.: 59-23-08

E-mail: **urmvd@globalnet.uz**

Bizning hisob raqamlarimiz **O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki Toshkent viloyati Bosh boshqarmasi.** hisob raqami: 21596000500447980001, MFO 00025.

ABN AMRO Bank MB O'zbekiston A.J. 20210000300447980002 MFO 00831, i/r 5033853 INN 200637499

• Ko'chirib bosishda «Postda»dan ekanligini ko'rsatish shart
• Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.
• Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot qo'mitasida 00007 raqam bilan ro'yxatga olingan Buyurtma Г — 446. Hajmi — 4 bosma taboq. Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish vaqti — 19.00. Bosishga topshirildi — 19.00.

Obuna raqami — 180

Umumiy tiraji 43.712 nusxa.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: **Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.**

1, 2, 3, 4, 5, 6.